

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 6, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 6, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2023

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Аззамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қызлар давлат педагогика  
университети

**Ульяева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ким - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боҳодир Жӯраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент аҳборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозогистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллаҗон Нуриддиновиҷ**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Дөгистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов.** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Raxbar Xoliqova</b> O'RTA OSIYO XONLIKLARINING QO'SHNI XALQLAR (QOZOQLAR) BILAN SAVDO ALOQALARI TARIXIDAN.....	4
<b>2. Madona Kebadze, Nestani Kazarashvili, Landa Chokhelishvili, Mariam Somkhishvili, Gvantsa Machavariani, Giorgi Kurshitashvili, Nino Jimshitashvili</b> THE END OF WORLD WAR II AND THREATS TO PEACE.....	11
<b>3. Dilbar Abdurasulova</b> MUSTAQILLIK YILLARIDA JIZZAX SHAHRINI QAYTA QURISH REJASI VA BUNYODKORLIK ISHLARI.....	16
<b>4. Жанилсин Айтмуратова</b> ҚОРАҚАЛПОҚ ҚҮШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯККАХОН ИЖРОЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТИ.....	22
<b>5. Хасан Бабаджанов</b> СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДА АЙРИЛМАГАН ТАҚДИРЛАР (ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ИСҲОҚ ВА ҲАБИУЛЛА КОМИЛОВНИНГ МАРДОНОВОР ЙЎЛИ).....	28
<b>6. Хайрия Буриева, Зумрад Раҳмонкулова, Шерзоджон Чориев, Дилдора Юсупова</b> ARXIV YO'LKO'RSATKICHINING TARIXIY-MANBAVIY AHAMUYATI (O'zMA 1960 YIL YO'LKO'RSATKICHI MISOLIDA).....	34
<b>7. Отабек Маҳмудов</b> ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИ ТИЗИМИДА ИСПАНИЯ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРНИ: СЕВИЛЬЯ ВА МУРСИЯ.....	46
<b>8. Фирюза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ АЁЛЛАРИНИНГ ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ РИВОЖИДАГИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 ЙИЛЛАР).....	54
<b>9. Kuryazova Darmonjon</b> TOSHKENT SHAHRIDAGI CHILONZOR OQTEPASI ARXELOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRILISH MASALALARI.....	59
<b>10. Рухиддин Патхиддинов</b> XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА МИСТИК ТАБОБАТ АНЬАНАЛАРИ.....	69
<b>11. Жаңабек Таштанов, Саттар Жанболатов</b> СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА САЙРАМДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.....	75
<b>12. Latofat Xolnazarova</b> AMIRLIKDA NASHR ISHLARINING YO'LGA QO'YILISHIDA YOSH BUXOROLIKLARNING O'RNI.....	83



ISSN: 2181-9599  
www.tadqiqot.uz

Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
ТАТУ Гуманитар фанлар кафедраси мудири  
т.ф.ф.д. (PhD), доцент

## СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДА АЙРИЛМАГАН ТАҚДИРЛАР (ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ИСҲОҚ ВА ҲАБИБУЛЛА КОМИЛОВНИНГ МАРДОНОВОР ЙӮЛИ)

**For citation:** Khasan B. Babadzhanov, DESTINIES NOT SEPARATED BY HARD LIFE (THE PATH OF ISKHAK AND KHABIBULLA KOMILOVYKS DURING THE SECOND WORLD WAR). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.28-33



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7952883>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада икки инсон, икки ака-ука Комиловлар мисолида ўзбекистонлик шифокорларнинг ҳарбий шароитларда тайёрланиши, бевосита фронтда, госпиталларда фаолияти ва тақдири баён этилади. Ака-ука Комиловлар фронтда фаолияти билан боғлиқ воқеалар фронт шифокорларининг уруш давридаги кундалик ҳаётини очиб беради. Айнан шундай инсонлар меҳнати туфайли фронтда миллионлаб кишилар жароҳатлардан даволаниб чиқди. Аскарлар орасида юқумли касалликлар эпидемиясининг оммавий тарқалиши кузатилмади.

**Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, тиббиёт, госпитал, кундалик ҳаёт, ҳарбий операциялар.

Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,  
заведующий кафедрой гуманитарных наук ТАТУ  
имени Мухаммада аль-Хоразми  
(PhD), доцент

## СУДЬБЫ, НЕ РАЗЛУЧЕННЫЕ ЛИХОЛЕТИЕМ (ПУТЬ ИСХАКА И ХАБИБУЛЛЫ КОМИЛОВЫХ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ)

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы подготовки узбекских врачей в военных условиях, их деятельности и судьбе в госпиталях и на передовой, на примере двух братьев Камиловых. События, связанные с деятельностью братьев Камиловых на фронте, раскрывают повседневную жизнь фронтовых врачей в годы войны. Именно благодаря труду таких людей были излечены от ран на фронте миллионы людей. Массовых вспышек инфекционных заболеваний среди солдат не было.

**Ключевые слова.** Вторая мировая война, медицина, госпиталь, повседневная жизнь, боевые действия.

**Khasan B. Babadzhanov,**  
Head of the Department of Humanities, TATU  
named after Muhammad al-Khwarizmi  
(PhD), Associate Professor

## DESTINIES NOT SEPARATED BY HARD LIFE (THE PATH OF ISKHAK AND KHABIBULLA KOMILOVYKS DURING THE SECOND WORLD WAR)

### ABSTRACT

The article discusses the issues of training Uzbek doctors in military conditions, their activities and fate in hospitals and on the front line, using the example of Kamilov brothers. Events related to the activities of the Komilov brothers at the front reveal the daily life of front-line doctors during the war years. It was thanks to the work of such people that millions of people were healed from wounds at the front. There were no mass outbreaks of infectious diseases among the soldiers

**Index Terms.** World War II, medicine, hospital, everyday life, fighting.

### 1. Долзарбилиги:

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тиббиёт ҳодимлари ва айниқса, ҳарбий дала жарроҳлари аскарларнинг ҳаёти ва саломатлигини учун курашда олдинги сафларда бўлишди. Шу даврда ўзбекистонлик юзлаб тиббиёт ҳодимлари фронтга сафарбар этилди. Ака-ука Комилловлар ҳаёти мисолида уруш даврида тиббиёт ҳодимларининг кундалик турмуши ва машаққатларини билиб олиш мумкин.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт тиббиёт тизими фаолияти ва фронт шифокорлари турмуши микротарих нуқтаи назаридан очиб берилади. Айнан микротарихий ёндашув алоҳида шахсларнинг ҳаётини қайта тиклаш имконини беради, ҳамда автобиографиянинг манбашунослик аҳамиятини оширди. Микротарих табиий оғатлар, урушлар, инқилоблар, очарчилик ва бошқа экстремал шароитларда инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ўрганишда муҳим сетод ҳисобланади.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Ака-ука Исҳоқ ва Ҳабибулла фронтовик шифокорлар Тошкент шаҳрининг Олмазор маҳалласида (хозирги “Tashkent city” ўрнида) зиёли оиласида дунёга келишди. Уларнинг оталари Комилжон Ҳакимбой ўғли ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлиб, савдо ишлари билан шуғулланган. Комилжон ота хонадонида шарқ тилларидаги бой кутубхона бўлган. Ўзлари турли тилларни яхши билганлар. Шунинг учун бўлса керак, отанинг фарзандлари ҳам илмга интилдилар.

Комилжон отанинг оиласида тўрт фарзанд, уч ўғил ва бир қиз бўлган. Оиланинг тўнғич ўғли Исҳоқ Комилов 1909 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган. Таълимни дастлаб Тошкентнинг “Кўкалдош” мадрасасида бошлаб, кейинчалик тузем мактаби ва тиббиёт техникумida давом эттирди. Техникумда ўқиш давомида шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимида фельдшер бўлиб ишлади. 1927 йилда Исҳоқ Ўрта Осиё Давлат Университетининг тиббиёт факультетига ўқишига кириб, уни 1932 йилда аъло баҳолар билан битирди.

Сўнг иш фаолиятини янги ташкил этилган Тошкент Тиббиёт институтида, машҳур профессор Маркелов И.И. кафедрасида бошлади. Кафедрада Исҳоқ Комилов фаол илмий ва педагогик фаолият олиб борди. Ҳамда профессор Маркелов И.И.нинг “Фармакология” дарслигини ўзбек тилига таржима қилди. 1940 йилда республикада биринчилардан бўлиб фармакология ихтисослиги бўйича номзодлик диссертацияни ҳимоя қилди. Исҳоқ Комилов ташкилотчи сифатида Тошкент Фармацевтика институтини ташкил этишда фаол қатнашди. Умуман олганда, XX асрнинг 30-йиллари охирида Исҳоқ Комилов Ўзбекистонда кўзга

кўринган фармаколог-олим сифатида танилди. Оиланинг кенжা ўғли Ҳабибула Комилов (1920 йил туғилган) ҳам ўз акасининг йўлидан юриб, 1938 йилда тиббиёт олийгоҳи талабаси бўлди.

Урушгача бўлган йилларда Исҳоқ Комилов Раҳимахон Комилова билан оила қурди. Оилада уч ўғил фарзанд тарбияланарди. 1941 йил июнда уруш бошланиши хақида хабар оиланинг осуда ва тинч ҳаётга нуқта қўйди. 1941 йил августида минглаб ўзбекистонликлар каби Исҳоқ Комилов ҳам фронтга сафарбар этилди. Исҳоқ Комиловнинг укаси Ҳабибула ҳам Ватанини ҳимоя қилиш, акаси каби фронтга кетишни орзу қиласарди. Уруш бошланганда Ҳабибула З-босқич талабаси эди. 1942 йил июлида Ҳабибула бир гуруҳ талabalар билан тезликда икки йиллик программани ўзлаштириб, диплом олди. 1942 йил августида эса фронтга сафарбар этилди. Шундай қилиб қилиб, Комилжон ота ва Нисохонлар оиласидан икки ўғил, икки шифокор Исҳоқ ва Ҳабибуллалар фронтга кетди.

1941 йилда Исҳоқ Камилов Туркманистоннинг Кушка шаҳрида уч ойлик тезкор ҳарбий тайёргарлик курсларини ўтади. 1941 йил охирида ўзбек дивизияси таркибида фронтга жўнатилди. Аскар ва офицерлар темирйўл вагонларига йўлда тушдилар. Исҳоқ Комилов йўлда темирйўл орқали Ўзбекистонга келаётган минглаб одамлар, ярадор аскарлар, болалар ҳамда саноат корхоналари асбоб-ускуналарини кўрди.

Охир-оқибат эшелон 1942 йилнинг январ ойи охирида Куйбышев (ҳозирги Самара)га етиб борди. Эшелонга комендатурадан кишилар келиб, капитан Комиловга улар билан бирга юришни буюрдилар. Комендатура вакиллари уни Куйбышев Ҳарбий-тиббиёт Академияси бошлиғи генерал Закусов В.В. олиб бордилар. Академиядагилар Исҳоқ Комиловнинг фармацевтика ихтисослиги бўйича тиббиёт фанлари номзоди, доцент эканлигини билиб, уни эшелондан тушириб олган эдилар. Шу даврдан бошлаб Исҳоқ Комилов Куйбышев Ҳарбий-тиббиёт Академиясида педагогик фаолият олиб борди. 1942 йил июн ойи бошларида академия профессор-ўқитувчилари демобилизация қилиниши муносабати билан Исҳоқ Комилов фронтга ҳарбий хизматга чақирилди.

Исҳоқ Комиловнинг юқори малакаси инобатга олинган ҳолда, уни токсиколог врач сифатида 72-максус ротага жўнатишга қарор қилинди. 1942 йилнинг ноябр ойигача ўқув машғулотлари олиб борилиб, сўнг уни Харьков яқинидаги Чугуев шаҳарчасига госпиталга сафарбар этишди. Госпитал бошлиғи подполковник Трофимович Петр Петрович эди.

1943 йилнинг марта ойида Харьков атрофида душман қарши хужумга ўтди. Душман бомбардимончилари госпиталга тегишли транспорт воситаларини йўқ қилди. Душман қуршови хавфи ва ўқ ёмғири остида икки мингдан ортиқ ярадорларни эвакуация қилиш ишлари ташкил этилди, уларнинг аксарияти ҳаёти сақлаб қолинди. Бу ишларни ташкил этишда Исҳоқ Комилов бевосита иштирок этди. Шундай бўлсада, бомбалар остида ярадорлар, кўплаб госпитал шифокор ва ҳамширлари ҳалок бўлди.

Йўлда ҳам ярадорлар ва шифокорлар колоннасига бетўхтов равища самолётлар хужум қилишарди. Шу пайтда Исҳак Комилов ангина билан касалланган, оёқлари шишиб кетиб юришга қийналарди. Лекин бурч ва матонат унга куч бериб, йўлни давом эттириди. Уч кун давомида колонна Донец дарёсига етиб бориб, ҳолсизланган ярадорлар бир амаллаб шифокорлар ёрдамида дарёдан тўртинчи кун деганда ўтиб олдилар.


Ярадорлар ва шифокорлар аянчли ахволда эди: кимдир музлаган, оч, яралари ииринглаган, шифокорлар эса руҳий ва жисмоний босимлардан ўта толиқсан эди. Исҳоқ Комилов оёқлари шишиб кетганидан чарм этикларини қайчи билан кесишга мажбур бўлди.

Бу воқеадан сўнг уруш яна уч йил давом этди. Шу мураккаб ва қонли йиллар давомида Исҳоқ Комилов ҳарбий-дала шифокорларини тайёрлаш, унинг ҳарбий қисми жанг олиб бораётган худудда юкумли касалликларга қарши кураш ва энг асосийси, госпиталда жангчиларни даволаш ишлари билан шуғулланди. Жанглар авжига чиқкан вақтларда ҳарбий-шифокор 7-10 кун давомида муттасил 20 соатдан ярадорларни даволар эди. Шунингдек, кимёвий разведка ишларида қатнашиб, кўплаб қимматли маълумотлар келтирди. Фронт чизиги билан Исҳоқ Комилов Белоруссия, Польша, Германия чегараларини кесиб ўтди. 1945 йил май, Фалабани Берлинда кутиб олди.

### 1-расм. Комилов Исхок. Фронтдаги фотосурат.

1945 йилда майор Комилов 72-ОРМУ токсикологик-терапевт гурух бошлиғи этиб тайинланды. Сүнг малака ошириш мақсадыда Вена (Австрия)даги фармацевтика лабораториясига жүнади. Венадаги лабораторияда фармацевтика ва токсикология соħаси бүйича илғор тажрибаларни ўрганды. Исхок Комилов Исхок Комилов 1946 йил кузида Исхак Камилович Қизил Юлдуз ордени ва күплаб медалллар билан Ватанига қайтди.

1942 йилда Ҳабибулла Комилов Тиббиёт институтдаги курсдошлари билан экстерн асосида олийгоҳнинг 4-босқичини тутатиб, ҳарбий вақтда шифокор бўлиб ишлаш хуқуқини қўлга киритди. Шу йилнинг август ойида ҳарбий хизматга чақирилди. 1942 йилнинг сентябринда Ҳабибулла Комилов вокзалдан Сибирга жўнади. Поезд етиб бориш нуктаси Томск шаҳри эди. Эшелон бир ойга вақт мобайнида манзилга етиб борди. Сибирдаги бу шаҳарда СССРнинг турили жойларидан келган ҳарбийлар, курсантлар, шификор ва госпиталлар кўп эди.



### 2-расм. Комилов Ҳабибулла. Фронтдаги фотосурат.

Томсқда ҳарбий-шифокорликка тайёрлаш курслари бошланды. Барча ҳарбийлар каби шифокорлар ўз касбий маҳоратларини оширишдан ташқари, жисмоний тайёргарлик ва бошқа билимларни эгаллашарди. Бу ерда Ҳабибулла шифокор ва ҳарбий-шифокор ўртасида катта фарқ борлигини тушуниб етди. Табиатан меҳнаткаш, қизиқувчан ва янги билимларга чанқоқ Ҳабибуллани курс бошлиғи подполковник Хуснуллин ўзига ёрдамчи этиб тайёрлади. Подполковник Хуснуллин Москва мудофаасида иштирок этган тажрибали ҳарбий шифокор эди. 1943 йил августига қадар Ҳабибулла бу инсон бошчилигига касбнинг сир-асрорларини ўрганди. 1943 йилда ака-укалар олти маротаба хат алмашдилар. Хатларда Ҳабибулла акасига Ватанини қилиш учун тайёrlигини, бу йўлда

жонини ҳам аямаслиги ёзиб ўтди.

Маълум тажриба ва билимларни эгаллаган Ҳабибулла 1151-ўқчи полкига сафарбар этилди. Биринчи ҳарбий тажрибани шифокор ука Ржев-Вяземск йўналишидаги Қизил Армиянинг ҳужум операциясида олди. Унинг госпитали фронтдан 20 км. узоқликда жойлашди. Турли калибрдаги бомба ва снадярларнинг портлаши шундок эшитилиб турарди. Оғир жангдан сўнг юзлаб ярадор аскарлар госпиталга оқиб кела бошлади. Ярадорлар оғрикли нолишлари, одам ва отлар жасадлари, қон, бақириқ ҳамда портлаётган снарядлар портлашидан

шовқин, “мессер”лар хужуми одамни гангитиб қүяды. Ҳамма нарса аралашып кетди. Фақат соатлаш иш, операциялар миядан ёмон ҳаёлларни узоклаштирашынан кейін.


Үн кун давом этган жанглардан сүнг портлашлар товуши узоклаша бошлады. Энди үзиге келиш, үтган воқеаларни фикрлаш имкони туғилды. Дастреки жангдан сүнг Ҳабиулла акасига хат ёзар экан, урушнинг даҳшатларини энди англагани билдиради. Энди акасига “аввалги” Ҳабиулла эмас, балки урушни кўрган ҳақиқий эркак ёзарди. Энди бундай ўн кунликлар Ҳабиулла ҳаётининг бир қисмига айланып қолди. Жанглар, қон, ярадорлар, операция, қисқа муддат жимжитлик, госпиталнинг фронтга яқинлашуви ва яна ҳамма нарса қайтадан ...

1943-1945 йилларда Ҳабиулла Белоруссия, Польша босиб ўтиб, Ғалабани Кенингсбергга кутиб олди. Кўплаб жанглар иштирокчиси бўлган Ҳабиулла Кенингсбергдаги жанглар даҳшатини алоҳида эслар эди. 9 апрелгача давом этган жангларда Ҳабиулла ҳарбий-госпитали кирган 343-ўқчи дивизия иштирок этди. Шаҳарда юзага келган жангларда катта ёнғин чиқиб, ҳатто қалъя деворлари ҳам ёнарди, деб эслар эди Ҳабиулла Комилов. Кенингсберг учун жангларда юзлаб жангчилар куйиб, уларни даволаш анча мураккаб кечди.

Кенингсбергда уруш тугаши ҳақидаги хабар барча аскарлар, офицерлар ва шу жумладан, Ҳабиуллага ҳам катта қувонч келтириди. Лекин дивизия учун уруш ҳали тугамаганлигини ҳали улар билмас эдилар ...

1945 йил май ойи ўрталарида ҳарбий қисм вагонларга ортилиб, номаълум йўналишга жўнади. Эшелон ўн минг чакирик узокликка Узоқ Шарққа жўнади. Амур дарёси бўйида жойлаштирилган қисм дарёнинг нариги тарафида турган миллионлик Япониянинг Квантун армияси билан жанг қилиши керак эди. Жанг бошланишидан аввал ҳам ҳарбий-шифорларга жуда кўп юмушлар топилди. Аскарлар энцефалит (шоллик) келтириб чиқарувчи каналар ва безгак тарқатувчи чивинлардан азият чекардилар. Шу вазиятда Ҳабиулла вақтинчилик инфекционист бўлиб фаолият олиб борди.

1945 йил 8 августда Олий Бош кўмондон буйруғи билан Қизил Армия Квантун армиясига қарши ҳужумга ўтди. Узоқ Шарқда даҳшатдат жанглар бошланди. Аскарларда кимёвий куйишлар ҳам учраб турарди. 1945 йил 15 августда Япония императори Хирохитонинг таслим бўлиш ҳақидаги буйруғи жангларни тўхтатди, Квантун армияси таслим бўлди. 23 августда Ҳабиулла ҳарбий қисми Порт-Артурда эди. Ҳабиулла Комилов бу ерда яна бир неча йил давомида хизмат қилди.



**З-расм. Ҳарбий госпитал. Исҳоқ Комилов томонидан томонидан олинган сурат.**

Иккинчи жаҳон уруши ака-ука шифокорлар, Исҳоқ ва Ҳабибулла Комиловлар учун катта синов бўлди. Ака Венада, укаси эса дунёнинг нариги бурчаги Порт-Артурда эди. Ҳаёт синовлари, уруш ака-укалар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини асло йўқотмади. Уларнинг тақдирни ҳар қандай шароитда ҳам биродарлик туйғулари узилмаслигини кўрсатиб берди.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2018. – 10 май – Б.1-2. (Mirziyoyev Sh.M. Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the ceremony dedicated to May 9 - Day of Remembrance and Appreciation // 10<sup>th</sup> of May 2018. – P.1-2.)
2. Мирзиёев Ш.М. Аждодлар жасорати – мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаи [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2019. – 10 май – Б.1-3. (Mirziyoyev Sh.M. Courage of ancestors a school of courage, a source of pride [Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Remembrance and Appreciation on May 9] // 10<sup>th</sup> of May 2019. – P.1-3)
3. Мирзиёев Ш.М. Аждодларимизнинг мислсиз жасорати ёш авлодни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиласи [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2020. – 10 май – Б.1-2. (Mirziyoyev Sh.M. The unparalleled courage of our ancestors serves to educate the younger generation in the spirit of patriotism [Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 75th anniversary of the Great Victory and the Day of Remembrance and Appreciation] // 10<sup>th</sup> of May 2020. – P.1-2)
4. Мирзиёев Ш.М. Миннатдор авлодлар оталар жасорати билан умрбод фахрланади [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи] // Халқ сўзи. – 2021. – 10 май – Б.1-2. (Mirziyoyev Sh.M. Grateful generations are forever proud of the courage of their fathers [Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the ceremony dedicated to the Day of Remembrance and Appreciation on May 9] // 10<sup>th</sup> of May 2021. – P. 1-2).
5. Бабаджанов Х., Рахимов Ш. История, политология, социология, философия: теоретические и практические аспекты: сб. ст. по матер. ЛIII междунар. науч.-практ. конф. № 2(41). – Новосибирск: СибАК, 2022. – С. 10-14.(Babadjanov Kh., Rakhimov Sh. History, political science, sociology, philosophy: theoretical and practical aspects: sb. St. po mater LIII mejdunar. nauch.-prakt. conf. No. 2(41). - Novosibirsk: SibAK, 2022. – P. 10-14.)
6. Сайдов А. Ғалаба боғи фалсафаси. – Тошкент “ТАСВИР” нашриёт уйи, 2021. – 348 б. (Saidov A. Victory garden philosophy. - Tashkent "TASVIR" publishing house, 2021. - 348 p.)
7. Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида: китоб-альбом / нашр учун масъул Х.Султонов; тузувчилар: С. Сайдолимов, К.Сагдуллаев, Ҳ.Бобожонов, Д.Аберкулов. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2020. – 320 б. (Uzbekistan during the Second World War: book-album. - Tashkent: "Uzbekistan" publishing house, 2020. - 320 p.)
8. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси: китоб-альбом / нашр учун масъул Х.Султонов; тузувчилар: С.Сайдолимов, М.Рахимов, К.Сагдуллаев, Р.Назаров, Ҳ.Бобожонов. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. – 352 б. (The contribution of the people of Uzbekistan to the victory over fascism: book-album. - Tashkent: "Uzbekistan" publishing house, 2022. - 352 p.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 4

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000